
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов билан бирга Данғара туманида бўлиб, янги лойиҳалар, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дастлаб Увайсий МФЙ ҳудудида жойлашган “NIKA” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилаётган халқ истеъмоли учун уй-рўзғор буюмлари, маиший техникалар, автомобил эҳтиёт қисмлари (пластик деталлари) ишлаб чиқарилаётган корхона фаолияти кўздан кечирилди.

1,7 гектар майдонда ташкил этилган корхонанинг биринчи босқичи учун 10 млн. доллар маблағ сарфланди. Корхонада уй-рўзғор буюмлари, маиший техникалар, автомобил эҳтиёт қисмлари (пластик деталлари) тайёрланиб, ички бозорга талаб асосида етказиб берилмоқда. Ҳозирда корхонада 100 га яқин иш ўрни яратилган.

Корхона раҳбари Муҳаммаджон Абдуллаев вилоят ҳоқимига корхона фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таништириб, келгусидаги режалари хусусида маълумотлар берди. Корхонанинг кейинги босқичларида форфор чинни буюмлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбиркор томонидан корхона ҳудудида чорва ҳайвонлари ҳам парвариш қилиниб, ишчилар гўшт, сут, қатиқ маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Вилоят раҳбари тадбиркор ишларини юқори баҳолаб, иш ўринларини янада кўпайтириб, жаҳон бозорларига кириб бориш кераклигини таъкидлади. Керакли кўмак берилиши қайд этилди.

Навбатдаги манзилда “Реал голд форвард” МЧЖ томонидан амалга оширилган пластмассадан уй-рўзғор ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишилди.

Камолхон Умаров раҳбарлигидаги ушбу корхонада 240 дан зиёд маҳаллий аҳоли банд қилинган. 60 га яқин ишчилар касаначилик асосида фаолият олиб бормоқда. Маҳсулотлар МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Тадбиркор маҳсулотларни шоурум қилиш учун жой сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилиши маълум қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-23 00:01:27